



Fidoyilik –  
Vatanga xizmat demak!

# Zarafshon

www.zarnews.uz  
https://www.facebook.com/zarnews.uz  
@zarnews\_uz  
https://twitter.com/zarnews\_uz

Кун ҳикмати

Устунлик  
намойиш  
этилмайди,  
бошқалар  
томонидан  
тан олинади

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshong@gmail.uz



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг

2020-yil 3-dekabr, payshanba, 139 (23.419)-son



## Нур терапияси ҳам энди Самарқандда бажарилади

Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали радиология бўлимида замонавий тиббий ускуналар ўрнатилиб, нур терапиясини амалга ошириш йўлга қўйилди.

Бу – йигирма йил қутилган янгилик, – дейди филиал директори Миржалол Жўраев. – Сабаби, шифохонамизда собиқ иттифоқ даврида ўша пайтдаги жиҳозлар ёрдамида нур терапияси амалга оширилган, аммо бу қутилган натижани бермаган. Муолажа қўлда бажарилган. Бу бемор учун ҳам, тиббиёт ходими учун ҳам хавфли бўлган. Шу сабабли кейинчалик бу усулдан фойдаланилмаган.

Беморлар даво муолажасини Тошкент шаҳрида ёки хорижда олишга мажбур бўлган. Табиийки, бу кўп вақт, маблағ талаб этган ва бунга ҳамма беморда ҳам имконият бўлмаган. Президентимизнинг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори

Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддасидан.

мамлакатимизда онкологик касалликларни эрта аниқлаш ва даволашда янги ёндашувлар жорий этилишида ҳуқуқий асос бўлмоқда. Ушбу йўналишдаги тиббий муассасалар фаолияти такомиллашиб, хизмат кўрсатиш даражаси ошди. Марказимиз ва унинг жойлардаги филиаллари замонавий тиббий асбоб-ускуналар, жиҳозлар билан таъминланди. Филиалимизга ҳам 2 миллион евро қийматида масофавий ва ички нур бериш ускуналари харид қилинди. Чехияда ишлаб чиқарилган бу аппаратлар юқори аниқликда ишлаши ва самарадорлиги билан ажралиб туради. Ўсманнинг жойи, ҳажми, чуқурлиги, бошқа аъзоларга яқин ёки узоқлиги аниқланиб, шунга қараб масофадан ёки ички нур бериш амалга оширилади. Соғ тўқималар нурланишининг олди олинади.

Янги ускуналар хорижлик мутахассислар томонидан ўрнатилган бўлса-да уларни маҳаллий мутахассислар ишлатади. Филиал директорининг қайд этишича, кейинги уч йил давомида муассасанинг 20 нафардан ортиқ врач ва муҳандис физиклари Россия, Беларусь, Корея, Чехия, Венгрия ва бошқа давлатларда ўқиб, малака ошириб келган.

– Дунёда саратон хасталигини даволаш бир хил, яъни кимё ва нур терапияси ҳамда жарроҳлик усулларида амалга оширилади, – дейди М.Жўраев. – Фарқи замонавий тиббий ускуна ва етук мутахассисда. Шу пайтгача Самарқандда кимё терапияси ёки операция усулидан фойдаланганмиз. Энди эса нур терапияси ҳам қўшилди. Демокриманки, юртдошларимиз саратонни даволаш учун катта маблағ сарфлаб хорижга боришларига ҳожат қолмади.

**Ғ.ХАСАНОВ,**  
**А.ИСРОИЛОВ (фото).**

## МАҲАЛЛА РАИСИНИНГ ВИЖДОНИ УЙҒОҚ, ТАФАККУРИ ЮКСАК, ДУНЁҚАРАШИ КЕНГ БЎЛИШИ КЕРАК

Маҳаллани ўзига хос кичик мамлакат дейиш мумкин. Чунки унинг ўз ҳудуди, чегараси, аҳолиси ва ўзига яраша муаммолари бор. Жумладан, вилоятимиздаги мавжуд 1097 та маҳалла фуқаролар йиғинида ўзига яраша муаммо, камчиликлар йўқ эмас.

Жумладан, жорий йилнинг бошида вилоятимизда 37 мингдан ортиқ камбағал оила мавжуд эди. Фаолиятимизнинг дастлабки кунларидан асосий эътиборни шу оилаларнинг иқтисодий аҳолини яхшилашга, одамларни иш билан таъминлашга, хотин-қизларни касбга ўқитишга қаратдик.



Маҳалла фаолияти «яхши» ҳамда 338 (30,8 фоиз) фуқаролар йиғинининг фаолияти «қоникарли» бўлди. 29 (2,6 фоиз) маҳалла фаолияти эса «қоникарсиз» баҳо олган.

2-саҳифа >>>

## Бугуннинг гапи

Ёшим етмишдан ошди, тоат-ибодатларим, юриш-туришим ҳам ёшимга ярашиқ бўлишига интиламан. Гарчи беш вақт намоз фарзларини тўқис адо этмасамда, Хўжа Зиевуддин жоме масжидида жума намозини қанда қилмайман. Лекин мени бугун фикр айтишга ундаган нарса ибодат ҳақида эмас.

## Сўзда шавқ-у маъно бўлсин

Акс ҳолда у тингловчида муносабат уйғотмайди

...Пахтачидан бир пайтлар Мирзачўлни ўзлаштиришга кетган оила вақилиман. Ота-онадан эрта айрилиб, укалар тақдирини ўйлаб, рўзгорни боқишга мажбур бўлдим. Гарчи маълум муддат «Пахтачи» газетасида ишлаган бўлсамда, доимо «қора меҳнат» билан банд бўлдим. Муҳими, яхши-ёмонни англадим, аммо ўқишни, ёзишни қанда қилмадим. Чунки бу нарса ҳаётимда муҳим эканлигини тушуниб етдим. Ижодий машларим, хусусан, мақола ва ҳажвий ҳикояларим вақтли матбуот ва тўпламларда чоп этилди. Демокриманки, ижоддан, ўқишдан бир дақиқа ҳам тўхтаган эмасман.

Йўқ, мен ушбу мулоҳазаларимни ҳурматли муштарийга таржимаи ҳолини айтиш учун ёзмадим. Қуйидаги фикрга маънавий ҳаққим борлиги учун эслатдим, холос.

Энди асосий масалага қайтсам. Жума намозидан сўнг хотирим жам, руҳим энгил, қадамларим илдам бўлади, жисмига қувват киради. Гап фақат ибодату ҳаракатда эмас, мен масжид имом хатиби Исроил Амрulloевнинг наҳий мунқарига тўхталмоқчиман.

У ҳар ҳафта янги мавзуда, ишончли манбалар асосида самимий суҳбат қуради. Сўзлар тақрори ёки умумий фикрлар йўқ. Бирида саломлашиш одоби, бирида ота-она муносабати, бирида шижоат ва лоқайдлик, яна бирида эса сўзлашиш маданияти ҳақида таҳлилий чиқиш қилади. Ҳар бир фикрини ҳадис ва алломалар хулосаси билан шарҳлайди. Айниқса, ёт ғоялардан қандай сақланиш тўғрисидаги маърузалари менга катта сабоқ бўлаётди. Ёшим улуг, ижодкор бўлганим боис бу сабоқлар нечоғлик зарур эканини англаб еттиман.

Дарвоқе, масжидга келаётган ёшлар ичишмайди, чекишмайди. Улар гўзал хулқ ва одоба талпинадиган йигитлар.

Фақат бугина эмас, имом алломалар мероси, покизалик, ор-номус мавзусида ҳам ўз шарҳлари билан ҳамманинг эътиборини тортади. Ишонасизми, суҳбат чоғида тўпланганлар нафақат телефонга қараш, ҳатто ортиқча қимирлашни ҳам эп кўришмайди.

Шундай пайтда маҳалла ва меҳнат жамоаларидаги айрим анжуманларни эслайман. Иштирокчиларни баъзан мажбурлаб келтирамиз. Маърузачи қозғога қараб ўқийверади, зал билан иши йўқ. Чунки унга шундай топшириқ бўлган. Утирганлар ё сўзлашар ёки телефон ўйнаб ўтиради. Айтилган, бундан кимга фойда-ю кимга зарар?

Имом хатиб агар бир даврада ноўрин, ёлгон гапирса, келаси жума куни масжидга қатновчи анча камаяди. Қолаверса, Худо йўлида кўз-бўямачилиқдан қўрқади. Бизнинг маҳаллага келган маърузачи-чи? У нимадан қўрқади? Ҳеч нарсадан! Одамларни тўплаб бериш ташкилот раҳбари ва маҳалла оқсоқоллари гарданида. Маъруза матни ва савиясини эса ҳеч ким баҳоламайди.

Бу ҳолатни ҳамма билади, кўриб турибди. Лекин ким чора қўради?

**Жўракул НАРЗУЛЛАЕВ,**  
Пахтачи тумани.



## “Маҳмудхўжа Беҳбудий” – катта экранда

Самарқанд шаҳридаги “Шарқ юлдузи” кинотеатрида “Маҳмудхўжа Беҳбудий” бадиий фильми жамоатчиликка намойиш этилди.

“Ўзбекино” миллий агентлиги буюртмасига кўра суратта олинган мазкур фильмда буюк маърифатпарвар аждодимиз, жадидчилик ҳаракати намояндаси Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ҳаёти, илмий-ижодий фаолияти ҳақида ҳикоя қилинган. Фильм даврнинг ҳақиқий воқеаларига асосланган бўлиб, XIX аср охиридан XX асрнинг 20-йилларигача бўлган даврни ўз ичига олади.

– Бу йил юртимизда маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 145 йиллиги кенг нишонланмоқда – дейди республика “кинопрокат” маркази вилоят бўлими раҳбари Ф.Розиқов.

– Мазкур фильм юртимиз киноиждокорларининг санага тўхфаси бўлди. Бугун кинони самарқандлик ижодкорлар, жамоатчилик вакиллари учун намойиш этилди. Томошабинлар орасида Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг авлодлари ҳам борлиги барчамизни қувонтирди. Ушбу фильм вилоятимиздаги бошқа кинотеатрларда намоиш этилмоқда.

Режиссёр Бақо Содиқов томонидан суратга олинган фильмда бош – Маҳмудхўжа Беҳбудий ролини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фахриддин Шамсиматов ижро этган.

**Б.МУСТАНОВ.**

## Чорвадорда тиббий кўрик

Нуробод тумани марказидан 45 километр узоқликда жойлашган Чорвадор ва Хазармали маҳаллалари аҳолиси чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди.

Кўриқда вилоят даволаш-профилактика муассасаридаги малакали мутахассислар ҳамда Самарқанд давлат тиббиёт институти профессор-ўқитувчилардан иборат 13 турдаги тор соҳа мутахассислари иштирок этди.

«Олға» қишлоқ врачлик пунктида ташкил этилган кўриқда минг нафар фуқаро тиббий текширувлардан ўтказилди. 235 кишида турли касалликлар аниқланди. Касалликларни бартараф этиш мақсадида 205 нафар фуқарога

амбулатор тарзда даволашни учун тавсиялар берилди, 25 нафар фуқаро вилоят даволаш-профилактика муассасаларига, 5 нафари эса санаторийларга йўланма олди.

Тиббий кўрик Нурободнинг Жом қишлоғи ҳамда Ургант туманидаги чекка маҳаллаларда бўлиб ўтди.

**Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ахборот хизмати.**

## Ахборот хизматлари хабар беради

\* **Паст Дарғом туманидаги** 6 нафар фермер Гўзалкент массивида эҳтиёманд оилалар учун бунёд этилаётган 44 та уйнинг қурилиш ишларида меҳнат қилаётган қурувчиларга иш ҳақи сифатида 65 миллион сўм тўлаб берди.

\* **Каттақўрғон тумани** марказидан 55 километр узоқликда жойлашган Омонкалхат қишлоғида “Кумуш тола” хусусий корхонаси томонидан ипак гиламлари тайёрланадиган цех ишга туширилиб, 15 нафар ишсиз аёлнинг бандлиги таъминланди.

\* **Иштихон туманида** маҳалла фуқаролар йиғини раислари ва уларнинг ўринбосарлари учун вилоят Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси томонидан ўқув-семинар ташкил этилди.

\* **Булунғур тумани** давлат хизматлари марказининг

барча шароитга эга янги биноси фойдаланишга топширилди.

\* **Нуробод туманида** ўтказилган бўш иш ўринлари меҳнат ярамласида қатнашган фуқаролардан 10 нафарига ишга жойлаштириш учун йўланма берилди.

\* **Оқдарё тумани** Даҳбед 2-сектор ҳудудида туман ҳокими, прокурор ва давлат хавфсизлиги хизмати ходимлари иштирокида ўтказилган “Раҳбар ва ёшлар” учрашувида туманининг Навоий, Даҳбед ва Бозоржой маҳалласида яшовчи йигит-қизларнинг 30 га яқин муаммолари тингланди.

\* **Нарпай туманининг** энг чекка ҳудудида жойлашган Бўстон маҳалласида туман ҳокими Ш.Раҳмонов иштирокида ўтказилган сайёр қабулда 50 га яқин мурожаат тингланлиб, 18 та муаммога шу куннинг ўзида ечим топилди.



Самарқанд вилояти ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётига оид хабар ва янгиликлар, жойларда амалга оширилаётган ислохотлар натижалари ҳақидаги таҳлилий-танқидий мақоалалардан биринчилар қаторида воқиф бўлишни истасангиз “Зарафшон”га обуна бўлинг!

**Обунани матбуот тарқатувчи ташкилотлар ҳамда таҳририятнинг ўзида расмийлаштиришингиз мумкин.**

**«Zarafshon» – барчамизнинг сеvimли газетамиз!**

ГАЗЕТА ИНДЕКСИ: **5502**

ОБУНА – 2021



БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР

Маматқул бобо айтган ривоятлар

1980 йилнинг 1 марти. Уйимиздаги электр машинаси портлаб, атрофга сачраб кетган майда шиша парчаларидан бири ўнг кўзимга тушди. Зумда кўзим қонга тўлиб, ҳеч нарсани кўрмай қолдим.

Тез ёрдам машинасида шахарнинг 1-клиникасига олиб келишди. Бу ерда аввал кўзимни ювиб, қондан тазалаб, зудлик билан жарролик хонасига олиб киришди.

Эрталаб уйғонганимда кўзим дока билан чандиб, боғланган эди.

Қалай, ўғлим, яхши дам олдингми, кўзинг азоб бермаптимми болам?

Чап тарафимдаги қаравотда ётган истараси иссиқ, нуроний отахон менга жилмайиб тикилиб турарди. Мен отахонга салом бердим. Биз ҳол-аҳвол сўрашдик. Хонага ҳамшира чой олиб кирди ва икки-уч қайтариб, иккаламизга бир пиёладан чой қуйиб бергач, чиқиб кетди. Биз чой ичиш асносида танишиб ҳам олдик. Отахон саволини яна такрорлади:

Қалай? – у киши кўзимга ишора қилди.

Унчалик эмас, сал-пал симиллаб турибди, холос.

Албатта-да, - деди қария: - Кўзингга жарроҳ тиги тегди. Кўз нозик нарса, албатта оғриydi-да.

Биз палатада икки киши эдик. - Ота-

хон ва мен.

Мен ҳам кўзимни шамоллатиб қўйганман. Шунинг учун даволанаман, бу ерда. Барака топшисин, яхши қарашяпти. Сен хавотир олма, бу касалхонадаги дўхтирлар бариси зўр.

Отахон ёнбошидаги ёстиқни кўксига босиб, унинг устида қўлларини қовуштириб ўтириб олди. - Кўзинга шиша синиги кирган экан-да, болам. Ҳамшира қизим айтди. Палакат-да. Шиша парчасини олиб ташлашибди. Хайрият, кўз гавҳарига зиён етмабди.

Кейин қўшиб қўйди:

Тез ёрдамда сени олиб келишга бирга борган экан-да, ўша қиз.

Отахондаги самимият, меҳрибонлик, қўйди-пишдилик менга ёқиб қолди. Шу боис худди эски қадронлардек, тезда чиқиб кетдик. Отахон (исми Маматқул экан) мени Маматқул бобо, деявергин деди.

Орада ўтган уч-тўрт кунлик суҳбатларимиз асносида Маматқул бобонинг эскичада (араб имлоси) анчагина савоҳдон эканлиги, Қуръон ўқишдан

ташқари қадимий масал ва ривоятлар битилган китоблардан ҳам анча-мунчасини ўқиб туширганлигини билиб олдим.

Маматқул бобо одамийлик, инсоф ва диёнат, одоб-ахлоқ, бола тарбияси, ёшлар маънавияти ҳақида кўп ибратли ва таъсирчан ривоятларни айтиб берарди. Айниқса, у кишининг «Юсуф ва Зулайхо», «Иброҳим ва Исмоил» қиссаси, «Қабул ахбор», «Искандар Зулқарнайн» ҳақидаги ривоятларини зўр иштиёқ билан тинглардим.

Мана, - деди бир куни Маматқул бобо - Искандар шоҳ ҳақидаги ҳикоят ва ривоятларини эшитдинг. Хўш, қандай фикрдасан?

Мен аввал елка қисдим. Кейин у кишининг ҳамон менга нигоҳ қадаб туришини кўриб:

Барча тўплаган бойликларни қолди, ўз эса ўлиб кетди, - дедим.

Барақалла, инсонни нафс бузади. Нафс эса шайтоннинг ўзгинаси. Одамзотнинг феъли қизиқ-да, болам. Айримлар нафснинг қулига айланиб қолса, яна шундай одамлар ҳам борки, ўз нафси билан курашиб келади. Бундайлар тарихда кўп ўтган. Ҳали мен сенга Бухорои шарифдаги етти пир ҳақида айтдим. Ана шуларнинг барчаси ўз нафси билан курашиб ўтганлар, шайтоннинг йўриғига юрмаганлар. Ўзимизда ҳам Имом Бухорий, Имом Доримий, Имом Мотуридий каби кўплаб алломалар ўз нафсларини енгиб, яшаб ўтганлар.

Ҳозир-чи, мўмай даромад орттириш, ортиқча бойлик тўплаш учун кимларгадир хўшомад қилиш, мансаб учун

бировларга ялтоқланиб, не бир пасткашлиқларга боришади. Охир-оқибат нима бўлади, барчаси, сабил, қолиб кетади.

Сўхбатимиз айна қизиб турганида бир куни икки ҳамшира кириб, мулло бобони қақириб кетди. Бироз фурсатдан сўнг Маматқул бобо қайтиб келди ва хона ўртасида тик туриб қолди-да: - Ўғлим, иккаламиз неча кун ҳамхона бўлдик? - дея сўради.

Бугун ўн биринчи кун, - деди мен.

Менга уйга жавоб беришяпти, - деди у киши секингина. Мен у кишига анграйиб қараб қолдим. Маматқул бобо деразага ишора қилди. Деразага яқин бориб, ташқарига қарадим. Оппоқ «Жигули» машинаси ёнида турган йигит бизнинг деразамизга тикилиб турарди. Мулло бобонинг уйга қайтиши илгарироқ маълум бўлган экан-у менга билдиргиси келмаган экан. Тўғри-да, агар билдирганларида иккаламиз ҳам аллақандай маҳзун ҳолатга тушиб, суҳбатимизнинг кўри пасайиб қолармиди...

Маматқул бобони машинага қаузатиб чиқдим. У киши машинага ўтириш олдидан менинг соғайиб кетишимни тилаб дуо қилди. Орадан уч-тўрт кун ўтиб мен ҳам уйга қайтдим.

Соғайиб, ишга ҳам чиқиб кетдим. Кейинчалик араб имлосига қизиқишим ва араб ёзувидаги китобларни ўқишимга мулло Маматқул бобо ва у киши ҳикоя қилиб берган ривоятлар сабаб бўлган эди.

Ўринбой НОРМАТОВ.

Ярми ҳазил, ярми чин

Қадимда ҳам иш вақти бўлганми?

Одамлар қадимги даврда иш вақтини қандай ўтказишган экан-а? Мен ибтидоий жамоада яшаганларни назарда тутаётганим йўқ. Газета, радио ёки ойнаи-жаҳон ҳали ихтиро қилинмаган замонларни айтаяпман.

Бўлимга ажратилган хонада уч ходим ишлаймиз. Соат саккиз бўлмай ҳамма ўрнини эгаллайди. Кечаги ишдан кейин то бугун ишга келгунга қадар эшитган, кўрган воқеаларимизни бир-биримизга айтиб беришга одатланганмиз. Тўғриси айтсам, бунга бир иш кунича белгиланган вақт камлик қилади.

Кеча футболни кўрдингизми? – спортга ўта қизиққани учун «ашаддий» лақабини олган хонадошимиз стол ғаладонидан қоғозларни чиқараётган «файласуф» номли ҳамкасбимизга хаяжондан ёнган нигоҳини тикади. Кейин унинг жавоб бермаганидан заррача ўкинмай, менга ўгирилади. – Сизчи, сиз кўрдингизми, катта. «Реал» барибир «Реал»-да.

Ёшимни чамалаш шарт эмас, катта дегани ҳақиқатан мен. Албатта, ёш борасида икки ҳамкасбимдан ҳам анча кичикман. Катта – бу менинг лақабим, «каттализатор» атамасининг қисқартирилиб айтилишидан ҳосил бўлган ибора, «ката» сўзининг бузиб талаффуз қилиниши. Олдинига менга катализатор деб мурожаат қилишди, кейин тилини қийнамастлик учун «ката» атамасини қўлашди. Вақт ўтиб эса «ката» ибораси ўз-ўзидан «катта» сўзига алмашгани аввалига қўпчилликни ажаблантирган бўлса, кейин бу гапда бир сир бордек, менга алоҳида бир эътибор билан муомала қиладиган бўлишдики, шаънимга талофат етказмагани, аксинча, ҳурматимни оширгани учун бундай лақаб ортирганимдан маннун бўлгандим.

«Ашаддий»нинг спорт ҳақидаги гапларини ҳам, сиёсатга оид фикрини ҳар гапга қўшиб «файласуф» деган ном олган иккинчи ҳамкасбимнинг ўзидан бошқа ҳеч кимни қизиқтирмайдиган мулоҳазаларини ҳам берилиб тинглайман. Уларга ўхшаб ҳар гап устида бахslashмаганим, аксинча, ҳар иккиси билан чиқишимни учун катализатор, йўғе, катта деган ном олганман.

«Ашаддий»нинг менга тикилиб турган илҳақ кўз-

ларига қараб унга раҳим келади. «Файласуф»нинг футболни кўрмагани аниқ, лекин менинг ҳам рад жавобим унда бизга нисбатан ачиниш ҳиссини уйғотмасин деб тўғриси айтман.

Йўқ, кўрмадим. «Айтишув» дастурини томоша қилдим. Мумтоз кўшиқларни зўр айтишди-да.

Қўшиқдан нима фойда? – «Ашаддий» ҳафсаласи пир бўлганини яширмай, афтини буриштиради. – Кечаги футбол тарихда бўлмаган.

Мен ҳам кўрдим айтишувни. – «Файласуф» қоғоздан бошини кўтариб менга қарайди. – Хоразмлик ёш йигит менга ёқди.

Самарқандлик у, - мен унга эътироз билдираман, - бизга қўшни қишлоқдан. Анчадан буён Тошкентда яшайди.

Йўғе, талаффузи хоразмча-ку. – «Файласуф» таажжубланади. - Лекин қотириб қўяркан қўшиқчи.

Хоразмнинг командаси ҳам чимпионатда ёмон ўйнамапти. – «Ашаддий» гап мавзуси футболдан четга чиқаётганидан безовталанади. «Файласуф» эса мен билан бўлаётган суҳбатни бузилганидан норози бўлиб, қозоғга тикилади. Спорт ишибоғи гапини давом эттиришга илҳақ бўлиб турганини сезиб унга қарайман.

Лекин кечаги ўйинга гап йўқ, - у эътибор қаратганимдан жонланади.

Эшик очилиб бўлим бошлиғи хонага кириши билан хушёр тортамиз.

Салом ҳаммага. Ҳисоботлар нима бўляпти? – У «Ашаддий»га ақинлашиб сўз қотади. – Кеча олиб кинринг дегандим. Иш тугамай кетиб қолибсиз.

Кечиринг. Футбол тўрда бошланади. Стадионга борган эдим.

Расво қилдику ўйинни. Ўз уйда ютказиб қўйган командани қандай аташ мумкин? Эссиз ҳомийлик ушшимиз. Майли, ҳисобот бугундан кечикмасин.

Раҳбарга гап йўқ-да, - дейди «Ашаддий» бўлим

бошлиғи хонани тарқ этгач. – Стадионга тушмаса ҳам футболга жони ачийди.

Мақтов бошлиққа қаратилган бўлса-да, гапнинг бош қайқаб айтилиши биз учун дашном эканини сезамиз.

Стадионга кириш бепул экан, тўғрими? – «Файласуф» қоғоздан бошини кўтармай сўрайди.

Ишқибоз кўпайиши учун қилинган тадбир бу.

Бир киши келса ҳам чипта сотиб, стадионга киритиш керак. Ўшанда томошанинг қадри бўлади.

Бугун ҳам ҳисоботни тугатолмаймиз, - дея бошланадиган баҳснинг олдини олмоқчи бўламан.

«Ашаддий» ва «Файласуф», бирининг жавоб қайтаришга тайёрлиги, иккинчисининг ҳеч қачон энгилмаслигини намойиш қилган важоҳати билиниб турса-да, гапим таъсир этиб, улар тин олишади.

Мен яна одамлар қадимда иш вақтини қандай ўтказганини ўйлайман. Қизиқ, улар ишда нима ҳақида гапиришган экан?

Кеча газетда Эрон ядро бомбаси ҳақида зўр мақола босишибди.

Анча-мунчага ҳайратланмайдиган «Файласуф»ни қизиқтирган мақола эътиборимизни тортади. Шу билан бирга «Ашаддий»нинг сергак тортган нигоҳи ва авзойи ўзгарганига қараб, унинг спорт ҳақидаги ўйларидан чалғиганини ҳам сезаман. Газетадаги хабарни эшитиш учун рўчқани стол устига қўярканман, бугун ҳам ҳисобот охирига етмаслигини ўйлайман.

«Файласуф»нинг Эрон ядроси борасидаги қарашлари «Ашаддий»нинг форс футболчилари эришган натижа ҳақидаги фикрлари билан бўлиниб туради.

Ҳисобот ишимизни кўриш учун бир неча бор хонамизга бош суққан бўлим бошлиғи ҳам ҳамкасбларим айтган ҳар икки масалага ўз қарашларини изхор этиб, охирида асосий ишдан чалғимаслигини тайинлаб чиқиб кетади.

Мен эса гап мавзуси ўзгариб, орага бир муддат сукунат чўккан вақтлар қадамида одамлар иш вақтида нима ҳақида гапиришган экан, деб ўйлаб қоламан...

Хуриш НУРУЛЛАЕВ.

Хорижда нима гап?

КОРОНАВИРУС четлаб ўтган орол

Италиянинг Тоскан архипелагидаги Жильо оролида ҳайратомуз ҳодиса кузатилди. Коронавирус маҳаллий аҳолини четлаб ўтди. Пандемия авж олган паллада Милан университетининг онкологик касалликлар тадқиқотчиси, эпидемиология профессори Паола Мути оролда бўлганида вирус оролнинг барча аҳолисини қириб юборади деб ўйлаганди. Бироқ оролга коронавирუსни юқтириб олганлар келганида ҳам бирор киши касалланмади.

Оролда 40 йилдан буён яшаб келаётган ягона маҳаллий врач Армандо Скиафинонинг айтишича, одатда бу ерда бирор киши қандайдир юқумли хасталикни юқтириб олса, оролнинг бутун аҳолиси касалланади. Карантин режими туфайли оролда қолиб кетган Мути тадқиқот билан машғул бўлди. Уни 60 ёшли эркак билан бўлган воқеа қизиқтирди. Оролга қариндошининг дафн маросимига келган эркак тўхтовсиз йўталар эди. Аёнки, вирус йўталганда, аксирганда, гаплашганда ҳаво томчилари орқали тарқалади. Бемор тез кунда қайтиб кетди ва уч ҳафтадан сўнг госпиталда коронавирүсдан вафот этди. Оролда 800 киши яшайди. Уларда тест ўтказилганида ҳеч қимда вирус аниқланмади. Олимлар ҳозиргача бу жумбоқ сирини аниқлай олишгани йўқ.

Туркияда янги газ кони

Қора денгизнинг Туркияга қарашли худудида мамлакат тарихида энг катта табиий газ кони аниқланди. Президент Режеп Эрдоғаннинг айтишича, ҳукумат ушбу газни нафақат ўз фуқароларига етказиб беришни, балки экспорт қилишни ҳам режалаштирмоқда.

Бу хабар россиялик газчиларни саросимага солиб қўйди. Гап шундаки, Россия Ямадан Европага тортган «Жанубий оқим» газ қувурини Болгария рад этгандан кейин уни «Турк оқими» номи билан атаб Туркия бозорига берган эди. Энди эса Туркиянинг ўз газига эга бўлиши Россиянинг экспорт бозоридан маҳрум қилиши мумкин.

Хитойдан шубҳали жўнатма

АҚШ аҳолиси почта орқали Хитойдан кутилмаган жўнатмалар ола бошлади. Олганларни ундаги нарсалар хушёр торттирди: пакетларда номаълум уруғни аниқлади.

Аввал бошда сирли жўнатмалар келиб чиқишининг бир неча тахминлари кўриб чиқилди: интернетда буюртмаларни хаккерлар чалқаштирган ёки бирор ҳазилкашнинг иши бўлса керак, деб тахмин қилинди. Қути ёрликларидида жўнатма ичида электрон қурилма, узук, сирга, биллакузук бор деб кўрсатилган эди. Аммо пакет ичида кўрсатилган буюмлар ўрнига уруғлар топилди.

АҚШ қишлоқ хўжалиги департаменти жойларга бу шубҳали уруғларни эмаслик ҳақида огоҳлантириш юборди. Ушбу ҳаракат қишлоқ хўжалиги биотерроризми, уруғлар ўсимликлар, ҳайвонларда касалликлар тарқатиш, атроф-муҳитга зарар етказиш учун юборилган, деб гумон қилинмоқда.

Экспертлар, гап зарар етказувчи ҳужум ҳақида эмас, Хитой интернет-магазинларининг виждонсиз ходимлари томонидан ўйлаб топилган янги фибрибарлик, деб тахмин қилинмоқда.

"Мир новостей" (2020 йил, 31- ва 35-сон)дан Т.МУРОД тайёрлади.

REKLAMA, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Газетамиз ҳафтада уч марта – сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чоп этилади / Газетада чоп этилаётган реклама ва эълонлар тезкор, самарали ва ҳамёнбоп / МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 66-233-91-56

**ДАЪВОЛАР БЎЛСА**  
Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2016 йил 15 мартда 13719 реестр рақами билан рўйхатга олинган «KAMALOV SHOKIR QURILISH SERVIS» масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: «KAMALOV SHOKIR QURILISH SERVIS» МЧЖ) жамият таъсисчиларининг 2020 йил 2 декабрдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.  
Шу муносабат билан унга билдирилаётган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.  
**Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Лахутий кўчаси, 3-уй.**  
Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 303851600.

**\*\*\***  
Самарқанд шаҳар «Ягона дарча» марказидан 2015 йил 13 мартда 20946 реестр рақами билан рўйхатга олинган Зияева Дилфуза Негматовна яқка тартибдаги тадбиркори (қисқартирилган номи: Зияева Д.Н. ЯТТ) тадбиркорнинг 2020 йил 2 декабрдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда ўз иш фаолиятини тугатмоқда.  
Шу муносабат билан унга билдирилаётган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.  
**Тадбиркорнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Мингтўт кўчаси, 47-уй.**  
Тадбиркорнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 484266588.

**\*\*\***  
Самарқанд шаҳар «Ягона дарча» марказидан 2016 йил 21 июнда 23663 реестр рақами билан рўйхатга олинган Хасанова Озода Нормамедовна яқка тартибдаги тадбиркори (қисқартирилган номи: Хасанова О.Н. ЯТТ) тадбиркорнинг 2020 йил 2 декабрдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда ўз иш фаолиятини тугатмоқда.  
Шу муносабат билан унга билдирилаётган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.  
**Тадбиркорнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Хишрав кўрғони Навоий кўчаси, 1-уй.**  
Тадбиркорнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 445534409.

**\*\*\***  
Иштихон туманидаги «ISHTIXON TASHKILIY SAVDO» масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 200743573) ўз устав фондиди 682 864 000 (олти юз саксон икки миллион саккиз юз олти минг тўрт минг) сўмдан 589 891 000 (беш юз саксон тўққиз миллион саккиз юз тўқсон бир минг) сўмга камайтирмоқда.  
Шу муносабат билан унга билдирилаётган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.  
**Манзил: Иштихон шаҳарчаси Муқумий кўчаси, 5-уй.**  
**\*\*\***  
Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт би-

лан шугўлланувчи нотариус Раҳмонов Сарвар Неъматиллоевич нотариал идорасида марҳум Бозоров Шарифга (1985 йил 26 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Раҳмонов Сарвар Неъматиллоевич нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.  
**Манзил: Самарқанд шаҳри Гагарин кўчаси, 60-уй.**  
**\*\*\***  
Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шугўлланувчи нотариус Қодиров Улғубек Толибович нотариал идорасида марҳум Шукуров Ганибой Юсуповичга (2017 йил 1 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Қодиров Улғубек Толибович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.  
**Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.**  
**\*\*\***

Самарқанд шаҳридаги «OZODBEK UY-JOY QURILISH» хусусий корхонаси (СТИР: 305070044) ўз ташкилий-ҳуқуқий шаклини «OZODBEK UY-JOY QURILISH» масъулияти чекланган жамиятига ва ўз почта манзилини Самарқанд шаҳри Чукчур йўли кўчаси, 35-уйдан Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 169-уйга ўзгарттирди. «OZODBEK UY-JOY QURILISH» масъулияти чекланган жамияти «OZODBEK UY-JOY QURILISH» хусусий корхонасининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Шу муносабат билан унга билдирилаётган барча даъволар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида янги манзилда қабул қилинади.  
**\*\*\***  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**  
Иштихон туманидаги 66-умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Давронова Динора Қобилжон қизи номига берилган UM № 0502954 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.  
**\*\*\***  
Самарқанд шаҳридаги «SAMARQAND TOZA NUR» масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 302145814) думалок муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.  
**\*\*\***

Самарқанд шаҳридаги 8-ўрта мактабдан 1991 йилда Халимов Иззат Бахронкулович номига берилган В № 318956 рақамли тўлиқсиз ўрта маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.  
**\*\*\***  
«Самарқанд автомобиль ўқув ишлаб чиқариш комбинати» масъулияти чекланган жамиятидан Қосимов Икром Акбарович номига 2020 йил 14 ноябрда берилган 32-сонли ишонч қоғози йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.  
**\*\*\***  
Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Самарқанд шаҳар филиалидан Эсиргапов Бахтиёр Кул-

дашевичга қарашли Самарқанд шаҳри Хонимов кўчаси, 2-берк кўча, 23-уй-жой учун берилган кадастр ҳужжатлари тўплами ва шу уйнинг уй дафтари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.  
**\*\*\***  
Оқдарё туманидаги 19-умумий ўрта таълим мактабидан 2019 йилда Бахрамов Ақобир Аббор ўғли номига берилган UM № 0150734 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.  
**\*\*\***  
Самарқанд шаҳридаги 30-умумий ўрта таълим мактабидан 2005 йилда Махмудова Раъно Умарқуловна номига берилган U № 1692909 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.  
**\*\*\***

Самарқанд давлат университети ректорати ҳамда жисмоний маданият факультети жамоаси факультетлараро жисмоний маданият ва спорт кафедраси мудири, доцент Ориф Рауповга ўғли  
**Парвиз РАУПОВ**нинг вафоти муносабати билан таъзия изхор этади.  
Самарқанд давлат университети академик лицейи жамоаси лицей ўқитувчиси Дилором Кубаевага отаси  
**Бекпўлат КУБАЕВ**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

«ТУРКИСТОН БОЛАЛАРИНИ ИЛМСИЗ ҚЎЙМАНГЛАР».

# Миллат эҳтиёжига бахшида умр

## «ОЙИНА» - «КЎЗГУ» - «МИРЪОТ» - «ЗЕРКАЛО»

«Ойина» журнали Махмудхўжа Бехбудийнинг қайноқ фаолиятини кўрсатадиган ва ғояларини илгари сурган ёрқин ёдгорлик ҳисобланади. Журналнинг биринчи сони 1913 йил 20 августда, охириги 68-сон эса 1915 йил 15 июнда чиқди. Журнал муқовада тўрт тилда - ўзбек, тожик, араб ва рус тилларида «Ойина» - «Кўзгу» - «Миръот» - «Зеркало» номи остида чиққан.

«Ойина»нинг тўрт тилда номланиши чет тилларни билиш ва эгаллаш зарурлигини доимо таъкидлаб келган Бехбудийнинг тил бўйича қарашлари далилдир. У чет тилларни билиш таълим олиш, фан ва маданият ривожини ҳамда бутун тараққиёт учун муҳимлигини қайта-қайта таъкидларди. Бинобарин, журналнинг дастлабки сонидеяк «Икки эмас, тўрт тил лозим» мақоласи босилгани тасодифий эмас.

Тез фурсатда журнал кенг омма ичиде тарқалиб, халқнинг сеvimли наشريга айланди. Аммо журнал наشري қийинчиликларга учради. Бехбудийнинг сўзлари билан айтганда, бу «ҳарбий цензор»нинг журнал ишларига доимий аралашуви билан

боғлиқ эди. Қисқа муддат нашр этилган бўлса-да, «Ойина» кўп мақсадларига эришиб улгурди. Бехбудий илғор ғояларини жамият орасида ёйишга эришди. Агар у ўз фаолиятининг илк даврида яққа бўлган бўлса, 1913 йилга келиб, уни Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Фарғона, Тошкент ва Туркистон ўлкасининг бошқа шахарларидаги жадид ўқитувчилар, ўқувчи-талабаларнинг ота-оналари, илғор кишилар, Туркия, Ҳиндистон, Россия, араб мамлакатлари зиёлилари қўллаб-қувватлади, унга китоблар, нашрлар билан ёрдам берилди. Бу 39 ёшли Бехбудий учун кучли манба бўлдики, катта саъй-ҳаракатлар билан журнални чиқара олди.

Замондошларининг хотирлашича, Бехбудийнинг куйидаги сўзлари кўп нарсани, хусусан, унинг тактикасини ойдинлаштиради: «Журналдаги қарашларнинг моҳияти ўз фаолиятини тўхтатган «Самарқанд» газетаси қарашларининг моҳияти билан деярли бир хил. Лекин ёруғликка чиқишининг ўзга бир йўлини танладим. Фоз этиш йўлидан, сатира ва юмор йўлига ўтдим. Зеро, енгил захархандали кулги билан кўп нарсага эришса бўлади». Журналнинг машхур ва маълум бўлганини бу ерга жўнатилган хат,

телеграммалар исботлаб турибди. Хатларда ҳаёт-

нинг барча оғир-енгил, паст-баланд томонлари ҳақида сўз юритилар эди. Масалан, «Ойина»нинг 1914 йил 14 апрелда чиққан 51-сониде Қозондаги россиялик мусулмонлар, Бухоро фуқаролари, Ҳиндистон университетиде таҳсил олаётган талабаларнинг хатлари эълон қилинган. Бу ҳол журналнинг жуда кенг тарқалганини ва машхурлигини яна бир бор тасдиқлайди. Таҳририятга келиб тушган хатларда журнал нашини яна давом эттириш зарурлиги изҳор этилган эди. Демак, у замондошларининг маънавий ҳаётида катта ўрин эгаллаган.

Замондошларининг гувоҳлик беришича, Бехбудийнинг чоп этилмаган асарлари жуда кўп. Вафотидан ярим йил олдин ёзиб тугаллаган, мерос ҳуқуқига оид 200 босма табоқ ҳажмдаги асари, форс ва турк муаллифлари асарлари асосида тузилган астрономия бўйича дарслик, аёллар масаласига оид мақолалар шулар жумласидандир.

## МАЪНАВИЙ ВАСИЯТ

Ҳазрат Махмудхўжа Бехбудий серкирра қобилиятининг гуллаб-яшнаган даврида ҳалок бўлди. У эндигина 45 ёшга тўлган, катта ҳаётий тажриба тўплаган навқирон инсон эди. Ўлимидан сал олдинроқ у

сиёсатдан узоқлашади. Нима учун? Маълумки, охириги йиллари у Халқ маорифи комиссариати Самарқанд бўлимида ишлар эди. Бу йиллари у сукут сақлар, ўз куч-ғайратини таълим тизимини ташкил этиш орқали жамиятга кўпроқ фойда келтириш йўлида сарфларди. Унинг ҳаёт йўлидаги эврилишларни бир хил баҳолаш ўнчалик тўғри бўлмас. У большевизмга нисбатан салбий муносабатда бўлиб, унинг мағлубиятга учраб, тор-тор келтирилишини ич-ичдан истаган ва Туркистон мухториятининг йўқ қилиб ташланганидан қаттиқ ташвишга тушган, бу ҳақда оташин мақола битган эди.

Лекин большевик ҳукумати унинг халқ орасидаги обрўси юқори даражадалигини тушунган ҳолда, уни «ўзиники» қилиб кўрсатмоқчи бўлди. 1922 йилдаёқ «Наука и просвещение» журнали Махмудхўжа Бехбудийни Туркистон мухторияти душмани сифатида кўрсатишга уринди. Мақола муаллифи асосиз равишда Бехбудийни янги республика ҳукумати аъзоси бўла туриб, большевиклар билан коалицияда ишлаган деб, «миллатчиларнинг» душмани сифатида кўрсатмоқчи эди. Аммо айнан Қўқон воқеалари уни сиёсатдан четлашга мажбур этди. 1919 йилда у навбатдаги ҳаж сафарига отланмоқчи эди. 1919 йил февралда Тошкентга бориб келгач, Самарқандда ўқитувчиларни қақириб, Тошкентдаги таълим аҳволи ва янги мактаб дастури билан уларни таништирмоқ-



чи бўлади.

Лекин унинг ўзи мажлисга кела олмайди. Садриддин Айнийнинг сўзларига қараганда, у мазкур учрашувдан 2-3 кун кейин ҳаж сафарига отланган. 1919 йил 25 мартда Бухоро амирлиги чегарасини босиб ўтган ва Шаҳрисабзга келган. Шу ерда уни амир одамлари ушлаб олиб, Қаршига жўнатади ва қатл қилади.

Унинг ўлимини большевиклар билан боғлаб кўрсатадиган бирор далил, факт ёки ҳужжат йўқлиги учун ҳам турли-туман гумонлар, шубҳали фикрлар мавжуд. Бехбудий бошчилик қилган «Самарқанд» газетасида ва кейинчалик «Ойина» журналида Бухоро амирлиги қаттиқ танқид остига олинган эди.

Бехбудий номи ўн йилдан ортиқ расмий тарзда халқ қахрамони сифатида тилга олинди. Қарши шаҳри, Тошкент, Самарқанд кўчала-

ри Бехбудий номи билан атаб келинди. Дўстлари унинг тўла асарларини чоп этмоқчи бўлди. Вафотидан сўнгги дастлабки йиллари у ҳақда кўплаб мақола чиқди. Аммо жадидчилик тоталитар тузум домига тушиб, абгор бўлгандан сўнг Махмудхўжа Бехбудийнинг номи камроқ тилга олина бошлади ва аста-секин унутила борди, унга буржуа миллатчилик ҳаракати йўлбошчиси тамғасини ёпиштирдилар.

Бехбудий ҳазратлари ўз ишининг фидойиси эди. У жон бера туриб, ўлим талвасасида ўз халқига маънавий васият қолдиришга муваффақ бўлди. Дўстларига маориф, маданият, фанни ривожлантириш ва тараққиётга хизмат этишни

васият қилди. Бехбудий васиятида: «Туркистон болаларини илмсиз қўйманглар. Сизларга васият қиламан! Ҳаммага озодлик йўлини кўрсатинглар», деган эди. Бугунги авлод халқимиз маърифати йўлида у белгилаган қўққилар сари интилиб, она Ватан содатига тинмай хизмат қилиши, маърифатпарвар бобомиз орзуларини рўёбга чиқариш йўлида изланиши, билим олиши шарт.

Бугунги кунда улуг аллома фаолияти давлатимиз ва Президентимиз томонидан юқори баҳолалиб, Махмудхўжа Бехбудий сафдошлари Мунавварқори ва Абдулла Авлоний қаторида «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланди.

**Дилором АЛИМОВА,**  
тарих фанлари доктори, профессор.



## «ТРАСТБАНК»: ҲАМКОРЛИК ВА ИШОНЧ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Реклама

Кейинги йилларда тадбиркорлик субъектлари вакилларига қатор имтиёз ва имкониятлар яратилмоқда. Бунда банк хизматларидан фойдаланиш алоҳида эътиборга олинган.

Хусусан, «Трастбанк» хусусий акциядорлик банкининг Самарқанд филиали вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва бунёдкорлик салоҳиятини қўллаб-қувватлаш орқали аҳолига муносиб ҳаёт шароитларини яратиш, бунда банк кредитларидан унумли фойдаланган ҳолда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, шунингдек, янги иш ўринлари яратиш масалалари юзасидан кенг қўламли ишларни амалга оширмоқда.

Филиал ўз фаолиятини «Банк - мижоз учун!» тамойили асосида амалга оширмоқда ва шу боис ўтган йиллар давомида мижозлар ва ҳамкорлар ишончини қозона олди. Филиалда юридик ва жисмоний шахсларнинг барча банк операцияларини амалга оширишлари учун имкониятлар яратилган. Жумладан, мижозлар миллий ва хорижий валютада ҳисобварақлар очиш ва юритишлари, ҳисоб-китоб ва касса хизматларидан фойдаланишлари, кредит ва лизинг орқали фаолиятларини ривожлантиришлари, «Интернет-банк» тизими орқали ҳисоб-китоб ишларини мустақил

равишда масофадан туриб бошқаришлари мумкин.

Филиал бугунги кунда 1400 дан ортиқ мижозга сифатли банк хизматларини кўрсатмоқда. Улар орасида давлат корхоналари билан бир қаторда хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳам кўпчиликини ташкил этади. Филиал замонавий ахборот технологиялари воситасида банк хизматлари сифатини янада ошириш ҳамда уларнинг турини кўпайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда.

**Бугунги кунда молия муассасасининг «Интернет-банкнинг», «SMS-банкнинг» ва «Банк мижоз» каби масофавий банк хизматларидан мижозлар фойдаланиб келмоқда. Бинобарин, «Интернет-банкнинг» хизмати мижозга ўзининг банкдаги маблағини дунёнинг исталган жойидан интернет тармоғи орқали бошқариш имконини беради.**

«SMS-банкнинг» тизимидан фойдаланувчилар эса ўз ҳисобварақлари ҳолати тўғрисида уяли алоқа телефонлари орқали доимий маълумотга эга бўладилар.

Ҳозирги кунда «Трастбанк»нинг Самарқанд филиали томонидан жисмоний шахслар учун қулай шартлар асосида, тезкорлик билан автокредит, микроқарз, истеъмол кредити ва банк

пластик картасига эга бўлган мижозлар учун овердрафт кредит турлари ажратиш йўлга қўйилган.

Шунингдек, «Трастбанк» иш ҳақи доирасидаги пластик картасига эга бўлган мижозлар дунёнинг исталган еридан (хоҳ уйда, хоҳ бозорда, хоҳ сафарда) «Онлайн микроқарз» кредитидан фойдаланишлари мумкин. Мазкур микроқарзни расмийлаштириш учун банк мижозидан фақатгина смартфон талаб этилади, мижоз ўз уяли алоқа воситасига «TrustPay» иловасини юклаб олиши ҳамда иловадаги «Кредитлар» бўлиmidан «Онлайн микроқарзлар» ойнасига кириб, керакли бўлган миқдорда кредит расмийлаштириши мумкин. Банк сўровни тезкорлик билан қабул қилади ҳамда энг зарур пайтларда ўз мижозларини қўллаб-қувватлайди.

Банк мижозлари маблағларини сақлаш ва уларни кўпайтиришда ҳам турли омонатларни жорий қилди. Яъни, миллий ва чет эл валютасида омонатлар қабул қилиниши йўлга қўйилди.

**Мижоз банкка ташриф буюрган ҳолда «Имкон-3» (йиллик 14 фоиз), «Имкон-6» (йиллик 15 фоиз), «Имкон-12» (йиллик 16 фоиз), «Фаровон» (йиллик 17 фоиз), «Даромадли» (йиллик 17 фоиз), уй шароитида ўзининг мобил телефони орқали «Online Kelajak» (йиллик 17 фоиз), «Online Farovon» (йиллик 17 фоиз), чет эл валютасида мuddатли «Иновация» (йиллик 5 фоиз), «Мукофотли» (йиллик 5 фоиз) ҳамда мобил телефон**



**орқали «Иновация Онлайн» (йиллик 5 фоиз), «Мукофотли Онлайн» (йиллик 5 фоиз) омонатларидан фойдаланиш имкониятлари яратилган.**

Шунингдек, «Трастбанк»дан пул жўнатмасини жўнатиш юқори ҳимоя даражасида ҳар қандай масофага санокли дақиқалар ичида ва нақд пулда фақатгина кўрсатилган шахсга берилиши кафолатланган ҳолда амалга оширилади. Бу борада филиал мижозлари бугунги кунда «Contact», «Money Gram», «Western Union», «Золотая корона», «Unistream» каби халқаро пул ўтказмаларидан фойдаланиб келмоқда. Бундан ташқари, бугунги пандемия шароитида банк мижозлари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида банк пластик картасига эга мижозлар «Contact» ва «Unistream» тизими орқали онлайн халқаро пул ўтказмаларини қабул қилиб олиш имкониятлари яратилган.

Пластик карталар бугунги кунимизнинг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Жумладан, уйда ту-

риб пулларни бошқариш энг қулай услублардан биридир. Шу сабабли «Трастбанк» мижозлар оғирини енгил қилиш мақсадида банк расмий веб сайти орқали (www.trustbank.uz) UZCARD, MASTERCARD ва HUMO карталарига онлайн ариза бериб, мижознинг уйига етказиб бериш тизимини йўлга қўйди. Дарвоқе, кўрсатилаётган банк хизматлари ҳақида маълумот олишни истаган тадбиркорлик субъектлари ва фуқаролар филиалнинг **+99866-237-80-08** телефон рақамига мурожаат қилишлари мумкин.

«Трастбанк» хусусий акциядорлик банки Самарқанд филиали аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, истиқболли лойиҳаларни рўёбга чиқариш, мижозлар талабини қондириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлида барча имкониятларни ишга солишга тайёр. Шу сабабли банк изланувчан ва интилувчан тадбиркорларни доимо қўллаб-қувватлайди.

**БАНК АХБОРОТ ХИЗМАТИ.**

Хизматлар лицензияланган.

Zarafshon

САМАРҚАНДСКИЙ  
ЕСТНИК

© МУАССИСЛАР:  
халқ  
депутатлари  
Самарқанд  
вилоят Кенгаши  
ва вилоят  
ҳокимлиги

Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда 09-01 рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр 100. Индекс 438.  
9 656 нусхада чоп этилди. Буюртма 734

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.



Ҳажми 2 босма табоқ, бичими А-2

КАБУЛҲОНА: 233-91-51. ХАТЛАР ВА МУРОЖААТЛАР: 233-91-53.  
БЎЛИМЛАР: 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 233-91-56.


МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улуг Турсунов кўчаси, 80-уй, Матбуот уйи.

Газета «Зарифшон» таҳририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди.  
«Ноҳир люкс» МҶБ босмахонасида чоп этилди.  
Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй.  
Босишга топшириш вақти: соат 18:30 да. Босишга топширилди: соат 19:00 да.

Навбатчи муҳаррир:  
Ғ.ҲАСАНОВ.  
Навбатчи:  
Ё.МАРҚАЕВ.  
Саҳифаловчи:  
Б.АБДУЛЛАЕВ.

Сотувада нархи келишилган ҳолда

ISSN-201667X



9 772010 1667009